

**МИНИСТЕРСТВО ЗДРАВООХРАНЕНИЯ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН
БУХАРСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ МЕДИЦИНСКИЙ ИНСТИТУТ
ИМЕНИ АБУ АЛИ ИБН СИНО**



Научно-практической конференции с международным
участием на тему:

**“ Проблемы экологии и
экологического образования ”**

СБОРНИК ТЕЗИСОВ

11-12 ноября 2022 года

**Министерство Здравоохранения Республики Узбекистан Бухарский
государственный медицинский институт имени Абу Али ибн Сино**



Научно-практической конференции с международным
участием на тему:

“ Проблемы экологии и экологического образования ”

СБОРНИК ТЕЗИСОВ

11-12 ноября 2022 года



ОГЛАВЛЕНИЕ	
1.Искандаров Т.И., Романова Л.Х., Искандарова Г.Т. НОВЫЕ ОТЕЧЕСТВЕННЫЕ ДЕФОЛИАНТЫ ХЛОПЧАТНИКА, РЕКОМЕНДУЕМЫЕ К ПРИМЕНЕНИЮ В СЕЛЬСКОМ ХОЗЯЙСТВЕ УЗБЕКИСТАНА.....	11
2.Романова Л.Х., Искандаров Т.И., Искандарова Г.Т. ТОКСИКОЛОГИЧЕСКАЯ ОЦЕНКА И РЕГЛАМЕНТИРОВАНИЕ ФУНГИЦИДА «ТЕТРА» В ОБЪЕКТАХ ОКРУЖАЮЩЕЙ СРЕДЫ И ПИЩЕВЫХ ПРОДУКТАХ.....	11
3. ¹ Башун Т.В., ² Белышева Л.Л. АКТУАЛЬНЫЕ ПОДХОДЫ ОСУЩЕСТВЛЕНИЯ САНИТАРНО-ГИГИЕНИЧЕСКОГО ЛАБОРАТОРНОГО КОНТРОЛЯ.....	12
4. ¹ Сидукова Олеся Леонидовна, ² Мащенко Ирина Владимировна ОЦЕНКА УРОВНЯ ПРОФЕССИОНАЛЬНОГО СТРЕССА У ВРАЧЕЙ- ГИГИЕНИСТОВ.....	13
5. ¹ Abduvaliyeva F.T., ² Azizova F.L. MAHALLIY SUV MANBALARINI MARKAZLASHTIRILGAN SUV TA'MINOTIDAGI ANAMIYATI.....	14
6. Абдукадирова Л.К., Султонов Э.Ю., Насимов С.И. РЕНТГЕН НУРЛАРИДАН ФОЙДАЛАНГАНДА ТИББИЁТ ХОДИМЛАРИ САЛОМАТЛИГИГА ТАЪСИР ЭТУВЧИ НОСПЕЦИФИК ГИГИЕНИК ОМИЛЛАР ТАЪСИРИНИ ЎРГАНИБ БАҲОЛАШ.....	15
7. Azimova M.Q., Mirzakarimova S.R., Soxibova G.YU. YO'RIQ IONLANTIRUVCHI NUR MAN'BALARI BILAN ISHLOVCHILAR NING NURLANISH XOLATI.....	16
8. Атамуратова Айпаршин Сапарбай қизи .. БОҒЧА ЁШИДАГИ БОЛАЛАРНИНГ ЖИСМОНИЙ ТАЙЁРГАРЛИК ДАРАЖАСИНИНГ ГИГИЕНИК ТАВСИФИ.....	17
9. Азимова М.К., Азимов А.М., Меликузиев А.А. ФАКТОРЫ, ОПРЕДЕЛЯЮЩИЕ ЗДОРОВЬЕ ЧЕЛОВЕКА.....	18
10. Амангелді М.А. ОСНОВЫ ПОВЫШЕНИЯ УРОЖАЙНОСТИ СЕЛЬСКОХОЗЯЙСТВЕННЫХ КУЛЬТУР С ПОМОЩЬЮ ЭЛЕКТРОМАГНИТНОГО ПОЛЯ.....	19
11. Ashurova Maftuna Ortiq qizi HOZIRGI GLOBAL EKOLOGIK MUAMMOLAR ATROF MUNIT VA AHOLI SALOMATLIGIDA EKOLOGIK TURIZMNING O'RNI.....	20
12. Атамухамедова Масъуда Рахимжановна, Саидова Азиза Якубовна СПЕЦИФИЧЕСКИЕ ОСОБЕННОСТИ ВЕНТИЛЯЦИИ ПРОИЗВОДСТВЕННЫХ ПОМЕЩЕНИЙ.	22
13. Sattarova B. N., Aliyeva M. OZIQ-OVQAT QO'SHIMCHALARINI QO'LLASHDAGI MUAMMOLAR	23
14. Адизова Хамида Рахимовна, Ахмедова Зебинисо. СУВ-ҲАЁТ МАНБАИ ВА МУҲИМ ЭКОЛОГИК ОМИЛ	24
15. Асадуллаев Анвар Нарзуллаевич ЭКОЛОГИК ОСОЙИШТАЛИКНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ ГЕОЭКОЛОГИК АСОСЛАРИ.....	26
16. Aslonova Nasiba Muxammadovna, Sobirova Dilorom Bobirjon qizi CHO'L ZONASIDAGI TABIIY GEOGRAFIK JARAYONLARNING EKOLOGIYAGA TA'SIRI.....	27
17. Бободжонов Б.Р., Носирова А.Р. КЕКСА ЁШЛИЛАР ВА УЗОҚ ЯШОВЧИЛАРНИНГ ОВҚАТЛАНИШ ТИЗИМИНИ ЎЗИГА ХОСЛИКЛАРИ.....	28
18. Zaripova Gulbahor Kamilovna, Salimova Dildora Bahodirovna Barcha o'quv yurtlarda voyaga yetmagan yoshlarni yetuk inson sifatida shakllantirishga yo'naltirilgan tarbiyaviy ishlarni tashkil etish tizimi	29
19. Zaripova Gulbahor Kamilovna, Salimova Dildora Bahodirovna Voyaga yetmagan yoshlarda Vatanga bo'lgan muhabbatni "BIZ BUYUK YURT farzandlarimiz"shiori ostida shakllantirishning ma'naviy-axloqiy tarbiyalashdagi o'rni.....	31

- Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштиришда ер усти ва ер ости сувларини ифлосланишига йўл қўймаслик мақсадида ўғитлар ва пестицидлардан меъёрида фойдаланиш;
- Суғориш меъёрларини тартибга солиш;
- Сувларнинг ерларга шимилиши, ҳавога парланиши натижасида рўй берадиган йўқотилиш ва самарасиз суғориш учун сарф-харажатларни камайтириш;
- Тупроқ намлигини сақлашнинг энг илғор усулларини қўллаш;
- Суғоришнинг сувни тежовчи технологияларини, яъни импульсли, аэрозолли, тупроқ ости, томчилатиш ва бошқа усулларни амалиётга кенг жорий этиш орқали суғориш тизимларида сувдан фойдаланиш самарадорлигини ошириш.

ЭКОЛОГИК ОСОЙИШТАЛИКНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ ГЕОЭКОЛОГИК АСОСЛАРИ

Асадуллаев Анвар Нарзуллаевич
Бухоро давлат университети

Табиатдаги ўзгаришлар, турли ҳодисалар инсоннинг ақлига, ҳиссиётига ва танасига кучли таъсир қилади. Демак, табиат билан инсон ўртасида узлуксиз боғланишни ҳис қилган ҳолда табиатга бўлган муносабатда ҳар томонлама оқилона ёндашиш керак. Табиатда содир бўлаётган табиий фавқултдаги ҳодисалар географик жойлашувига кўра қачон тирик мавжудотларга, хусусан инсонларга таъсир этиш жараёнлари мутахассислар оомонидан чуқур ўрганиб таҳлил қилинмоқда. Инсон билан табиат ўртасидаги муносабатларни кучайиши натижасида табиий муҳитда ўзгаришлар содир бўлади. Табиатдан фойдаланиш тамойилларининг бузилиши нафақат атроф муҳитда ўзгаришларни содир бўлишига таъсир этмай балки жамиятда ҳам акс таъсир шаклланади. Бошқача қилиб айтганда жамият табиий бойликларидан қанчалик асосланган ҳолда фойдаланишга қараб шунчалик наф кўради. Бу жараёнда табиий муҳитда турли даражада вазият таркиб топади. Ана шундай ҳолларда вужудга келган геоэкологик вазиятларни ўрганиш амалий аҳамиятга эга. Жамиятда техносферанинг ривожланиши тирик мавжудотлар, хусусан инсонлар ва атроф-муҳит ўртасидаги муносабатларнинг таранглашишига олиб келмоқда. Албатта, техносферанинг илгарилаб кетиши инсонлар эҳтиёжини қондириш, уларнинг яшаш турмуш-тарзини яхшилашга қаратилган. Бу эса турли кўринишдаги экологик муаммоларнинг юзага келишига сабаб бўлади. Экологик муаммоларнинг кўпайиши инсон ва атроф муҳит ўртасидаги тизимдаги меъёрий ҳолатларнинг издан чиқишига олиб келмоқда.

Техносферанинг ривожланиши албатта, бу инсон эҳтиёжини яхшилашга қаратилган, лекин ундан оқилона ҳамда мақсадли фойдаланиш, бунинг учун ишлаб чиқаришни тўғри йўлга қўйиш, табиий бойликлардан фойдаланишда раҳбарий ҳужжатларда кўрсатилган тартибларга амал қилиш муҳимдир.

Тадқиқот маълумотларини кўрсатишича эрозия жараёнлари экологик муҳитини ёмонлашишига олиб келади, натижада ўсимликларнинг ўсиши, ривожланиши ва микроорганизмларнинг фаолияти учун зарур бўлган шароитлар кескин ёмонлашади. Ёгин-сочин билан сувнинг тупроққа сингиши қийин бўлганидан, тупроқ юзасида оқим кучайиб эрозия бошланади. Баҳорги ёгин-сочиннинг 60-70% оқиб чиқиб кетади, натижада эрозияланган тупроқларда нам захираси ниҳоятда кам тўпланади.

Ҳозирги вақтда аҳолининг яшаш шароитини яхшилаш баробарида, уларни бандлигини таъминлаш ҳам муҳимдир. Шу билан у жамиятда ўз ўрнига эга бўлади, оиласини таъминлайди ҳамда мамлакатимизнинг ривожланишига ҳисса қўшган бўлади. Бунинг учун барча шароитлар яратилган.

Президентимиз томонидан мамлакатимизда аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш ва хавфсизлигини ошириш, экологик осойишталикни таъминлаш, чиқиндиларни қайта ишлаш тизимини такомиллаштириш масалаларига алоҳида эътибор берилмоқда.

Мамлакатимизда атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, аҳоли саломатлигини таъминлаш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш, санитария ва экологик ҳолатни яхшилаш борасида изчил

ишлар олиб борилмоқда. Ишлаб чиқариш соҳаларини замонавий технологиялар билан жиҳозлаш ва қайта жиҳозлаш натижасида атмосферага чиқарилаётган зарарли моддаларнинг миқдорини ҳамда ифлослантирувчи манбалардан яна бири ҳисобланган оқава сувларнинг белгиланмаган жойларга ташланиши анча камаяётганлигини гувоҳи бўлиб турибмиз.

Чўл зонасида мавжуд бўлган минерал ресурсларни кидириш, қазиб олиш ва улардан самарали ва мақсадли фойдаланиш (нефть, газ, қурилиш хом ашёлари ва бошқалар) жараёнида экологик қонун, кўрсатма ва меъёрий ҳужжатлар талабига қатъий риоя қилиш лозим. Ҳозирги кунда нефть, газ, минерал бўёқ, кум-чағил конлари атрофида бузилган ерлар, чиқиндилар уюми, ахлатхоналар учрайди. Мазкур антропоген фаолият билан боғлиқ салбий оқибатлар чўл зонаси генофондини нобуд бўлишига, биомохсулдорлигини камайишига, ниҳоят ландшафтлар гўзаллиги ва жозибadorлигини пасайишига олиб келмоқда.

Атроф муҳитни муҳофаза қилиш, табиатга оқилона муносабатда бўлиш, флора ва фауна оламини асраб-авайлаш, глобал экологик инқирозга йўл қўймаслик аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш ва хавфсизлигини таъминлашда муҳим аҳамият касб этади.

Адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони «2030 йилгача бўлган даврда Ўзбекистон Республикасининг атроф муҳитни муҳофаза қилиш концепциясини тасдиқлаш» тўғрисида. Тошкент, 2019 йил 30 октябрь, ПФ-5863-сон.
2. Muratova G.S., Sharofutdinova R.I., Asadullaev A.N. Health Lifestyle And safety Activity. The American Journal of applied Sciences. The American Journal of Applied Sciences (ISSN-2689-0992) 2020, 2 (11), -P. 75-77
3. Ҳайитов Ё.Қ., Шарипов А.Э., Асадуллаев А.Н. Суғорма ерларнинг экомелиоратив жиҳатлари ва ечимлари (Бухоро вилояти мисолида). Орол бўйи ҳудудларида ноқулай экологик омилларнинг салбий таъсирларини юмшатиш масалалари мавзусидаги Республика миқёсида илмий-амалий анжуман. Бухоро. 2020. –Б.15-17
4. Asadullaev A.N., Akramova M.M. Geoeekologik muammolarning inson salomatligiga ta'siri (Qorako'l vohasi misolida). Тупроқ унумдорлиги ва қишлоқ хўжалиги экинлар ҳосилдорлигини оширишнинг замонавий инновацион технологиялари, муаммо ва ечимлар мавзусидаги Республика миқёсидаги илмий-амалий анжуман тўплами. Бухоро. 2021. – Б.157-159
5. Асадуллаев А.Н. Инсон саломатлигини зарур даражада таъминлайдиган омиллар. Хоразм Маъмун академияси ахборотномаси. Хива. 2021. –Б.29-31

CHO'L ZONASIDAGI TABIIY GEOGRAFIK JARAYONLARNING EKOLOGIYAGA TA'SIRI

Aslonova Nasiba Muxammadovna

**Buxoro davlat universiteti
Ekologiya va geografiya kafedrasi o'qituvchisi
Sobirova Dilorom Bobirjon qizi**

Buxoro davlat universiteti talabasi

Cho'llar tabiatning o'ziga xos ne'matlarini mujassam qilgan nodir hududlardir. Ularning nodirligi eng avvalo jonli olamning yashash manbai bo'lgan quyosh nuri va haroratining ko'pligi hamda suv resurslarini esa o'ta taqchilligidir.

Iqlimiy ma'lumotlarga ko'ra, hozir cho'l va chalacho'llar 4,7 mlrd. ga ni egallaydi. Quruqlikni qariyb 1/3 qismini ishg'ol etgan bunday joylarda dunyo aholisining 15 foizi yashaydi.

Cho'l zonalarining o'ziga xos xususiyati, to'liq foydalanilmayotgan ichki imkoniyat va salohiyatidan oqilona foydalanish, isloxatlarning ustuvor yo'nalishlarini amalga oshirishda, barqaror, iqtisodiy o'sishni ta'minlashda muhim o'rin egallaydi. Shu bois viloyatimiz cho'l